

И. НОВИКОВ,
С. ФЕНЮТИН,
махсус мухбир

учелов, шу университет рорини амалга оширишда
марксча-ленинча фалсафа ка КПСС Марказий Комитетинини
Федраси мудирм, фалсафа

В. МОЛГАЧЕВ фотоси

АМАЛДАГИ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ

ТАШАББУСНИНГ ТУҒИЛИШИ

Ҳаммаси курутдаги тасодифий танишувдан бошланди. Ўтган йил ёзда Есентуки санаторийларидан бирида довланиб қайтаётган Бухоро район партия комитети умумий бўлимининг мудири Пирмамат Раҳматов аэропортга бошқаришга келиб қўйилди. Ўтган йилнинг охирида тақсими машинаси келиб тўхтади.

— Аэропортга, марҳамат, бирга борамиз, — дея илтифот билан орқа ешкни очди. Ис-тараси иссиқгина йигит.

Бундан қарангки, таксиди учрашган икки йўловчи ҳаммаси қўйиб қўйди. Ринат Фатихович Горев Уляновск область Карсун райони партия комитетининг биринчи секретари экан. Бафуржа суҳбатлашиб кетишди.

— Мана, сен билан мен бир-биримиздан минглаб километр узоқликда яшайми. Агар бугун тасодифан таксиди учрашиб қолмаганда, балки ҳеч қачон танишмас ҳам эдик, — деди Ринат Фатихович янги дўстга. — Ҳўш, бир-биримизнинг тилимиз, урф-одатларимиз, яшаш тарзимиз тўғрисида нимани биламиз? Деярли ҳеч нарсани. Ваҳоланки, бир мамлакат граждандаримиз...

У нисбатан район ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатгани, олдидан турган социал-иқтисодий муаммоларни бирга ҳал қилишни таклиф қилди ва адрес ҳамда телефонларини Пирмаматга ёздирди. Йўловчилар регистратсия қилинаётган жойга бошқариш кетди.

Пирмамат ишга чиққан кунини раёмонинг биринчи секретари А. В. Альмеевга тасодифий учрашув тўғрисида сўзлаб берди. Альберт Валиевич бу таклифга қизиқиб қолди. Кўп ўтмай икки секретарь ўртасида телефон орқали суҳбат бўлиб ўтди.

Альберт Валиевич Уляновсклик ҳамкасбини Бухорога таклиф қилди. Карсун районида эса гафла ўрмининг қизгин палласи, эрта-индин етилиб қолган картошкани ҳам йиғиштириш бошланди. Ринат Фатихович таклифини мамнуният билан қабул қилди, аммо кечроқ ва бир ўзи келмаслигини айтди. Йўл-йўлакай Бухороликларга картошка керак эки керак эмаслиги билан қизиқди. Бу йил Карсун райони далаларида картошка ҳосили мўл бўлиши кутилмоқда эди.

Ринат Фатихович Альберт Валиевичнинг кўнглидаги гапни айтгани. Икки секретарь ўз районлари ҳужалиқларида етиштирилган пландан ташқари маҳсулот алмасуви тўғрисида келишиб олдидлар. Бир неча кун ўтар-ўтмас Бухородан Уляновск сари узум, мева-чева, сабзавот юкларини, Уляновскдан узоқ Бухоро сари картошка юкларини вагонлар сафарга жўнади.

Шундай қилиб, икки район дўстона ҳамкорлиги буюсига дастлабки ғишт қўйилди.

Бухоролик пахтакорлар йиллик плани муваффақият билан бажарган, район вакилларидан ўттиз киши Ленин Ватанини зиёрат қилиш учун Уляновскка жўнаб кетдилар. Карсунликлар уларни эски қадрдонлардек қутиб олишди. Бухоролик меҳмонлар танишувини Ленин мемориал марказидан бошланди. Бу ердаги В. И. Ленин Марказий музейининг филиали, доҳий уй-музейи, квартира — музейи билан танишди.

Шундан кейин мезбонлар янги дўстларини ўз районларининг ҳужалиқларида бошланди. «Уренский», «Янковский» совхозлари, «Знамя коммунизма», «Верный путь», Чапаев номи, Киров номи колхозларда социал-иқтисодий ривожланиш планларининг бажарилиши, меҳнаткашларга маданий-маиший, медицина, савдо хизматининг ташкил қилинишидаги янгиликлар уларда чуқур қизиқини уйғотди. Бу ерда ўрганиш мумкин бўлган бой тажрибалар бор эди.

Карсун районидаги ҳужалиқлари ишчи кучининг етишмаслигидан қийналмоқда эдилар. Жумладан, «Пятлетка» колхозига 3 минг гектар экин майдони бўлган бир пайтда ишчи кучи, бошқарув ходимлари билан қўйиб ҳисобланганда, атиги 320 кишини ташкил қилар экан. Ваҳоланки, Бухоро райони ҳужалиқларида ишчи кучи ошмо-топиб ётибди. Бухоролик раислардан бири «Пятлетка» колхозининг раиси К. Лапшевдан 200-300 гектар ерни картошка, озуқа экинлари етиштириш учун сураб, бунга жавобан уларга ишчи кучи билан ёрдам қилишни таклиф этганда, у қувончдан бир газ ўстанда бўлди.

Ҳозирча бу шунчаки таклифлар эди. Карсун районидаги бухороликлар билан ҳамкорлик қилиш хоҳишини барча ҳужалиқларнинг раҳбарлари жон-диллари билан изҳор этишди.

БИР КЎРГАН ТАНИШ, ИККИ КЎРГАН ҚАРИНДОШ

Январнинг бошида Карсун райони меҳнаткашларининг вакиллари Бухорога «жавоб визити» билан келишди. Бухороликлар ўзбек удумига амал қилиб, уларни қардош-қариндошлардек қабул қилишди.

Бухоронинг ерпни Уляновскнинг қора тулроғи билан таққослаб бўлмади. Меҳмонлар шундай ер шароитида мўл пахта ҳосили, ширин-шакар мева ва полив маҳсулотлари етиштиратган бухороликлар меҳнатига тасанно айтишди.

Карсун районида келган меҳмонлар «Бухоро», «Маданият», «Янги турмуш» колхозлари ва яна бир қатор ҳужалиқларда бўлиб, қишлоқ ҳужалиқ ишлаб чиқаришини янада ривож-

лантириш, Озиқ-овқат программасини муваффақият билан бажариш, қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатиш муаммоларини ҳал қилиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланишга оид фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Тажриба алмасув тўрт кун давом этди. Пировардида, икки район меҳнаткашларининг вакиллари қардошлик шартномасини имзолашди. Бу шартномада қардош ҳужалиқлар ўртасида меҳнат ресурслари ва маҳсулот алмасуви, қишлоқ қурилишида ўзаро ҳамкорлик, маданий алоқалар ва бошқа тадбирлар кўзда тутилди. Бундан ташқари, ҳар бир ҳужалиқ конкрет ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузди.

Жумладан, Бухоро районидаги «Маданият» колхозини правлениеси Карсун районидаги Чапаев номи ва «Знамя коммунизма» колхозлари правлениелари билан шундай шартнома тузди. Бу шартномада қандай тадбирлар кўзда тутилган? Шундай савол билан биз «Маданият» колхозини правлениесининг раиси М. Ахмедовга мурожаат қилдик.

митетларининг раислари, ҳужалиқ ва ташкилотларининг раҳбарлари — ҳаммаси бўлиб эллика яқин меҳмон тушиб келди. Меҳмонлар тўғри Бухоро обкоми буюсига йўл олишди. Бу ерда Бухоро ва Уляновск область партия-ҳужалиқ активининг қўшма йиғилиши бошланди. Одатдан ташқари йиғилишнинг областгагина эмас, республикада янгилик деса муболага бўлмас.

Актив кун тартибига Уляновск ва Бухоро областлари меҳнаткашлари ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлигини ривожлантириш, дўстона маданий алоқаларни мустаҳкамлаш масаласи қўйилди.

Обкомнинг биринчи секретари Д. С. Едгоров сўзи Уляновск область партия комитетининг биринчи секретари Ю. Г. Самсоновга берди. Нотиқ Уляновск шаҳри тобора кенгайиб бораётгани, областда саноат ишлаб чиқариш кўламининг ошиши тўғрисида конкрет рақамларни келтирди.

лар, электрон-ҳисоблаш техникаси билан ишловчи ходимлар тайёрлашда ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини изҳор қилди. Бизни Уляновск область партия ташкилотлари идеология иши соҳасида тўплаган тажриба қизиқтирди. Обком секретари бу соҳадаги ишлар тўғрисида қониқиб билан сўзлаб берди:

— Партия Марказий Комитети, — деди у, — яқинда Уляновск область партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитетининг «Сисей» ва иқтисодий ўқувлар системасини қайта қуриш тўғрисидаги қарорини бажариш қарор қабул қилди. Мазкур қарорни тайёрлаш жараёнида область партия ташкилотларида сисей ва иқтисодий таълимнинг ташкил қилиниши синчиклаб ўрганилди, ишчиликда иқтисодий таълимнинг умумлаштирилиб, нуқсонлар очик-ойдин кўрсатилди.

Валентина Алексеевна бухоролик идеология ходимларига Уляновск область партия коми-

белсозлик фабрикаси, Вавилов номи колхоз билан ҳамкорликда йирик чорвачилик ёрдами ҳужалиқлари қурмоқдалар. Бунда улар саноат корхонаси қурилиши ишларини ва комплексдаги механизация қурилишларини ўз зиммасига олишди. Совхоз ёки колхоз эса ёрдами ҳужалиқда етиштирилган маҳсулотларини салмоқли қисминини ишчиларга ажратди.

Шу тўғрйли 1987 йилда ёрдамчи ҳужалиқларда 200 тоннадан зиёд гўшт етиштирилди. Бу давлат ресурслари ҳисобига олинмаган гўштининг деярли ярмини ташкил қилди.

Райондаги мактаблар ҳам Озиқ-овқат программасини бажаришга ҳисса қўйишди. Ўтган йили деярли барча мактаб ошхоналари ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари етиштирган маҳсулот билан таъминланди. Чунки кўпчилик мактабларда сабзавотчилик, қўёнчилик иши яхши йўлга қўйилган. Мактаблар қўшма сабзавот соқлаш омборлари қурилган.

— Аммо бу соҳада муаммолар ҳам йўқ эмас, — деди у. — Биз болаларимизни ёзда мева, қишда шарбат билан таъминлашда қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Сизларнинг областингизда сероб бўлган бу маҳсулотни жон деб картошкага ёки бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига алмаштирган бўлурдик.

Старомайск район партия комитетининг биринчи секретари А. М. Денисов Озиқ-овқат программасини бажаришда аҳоли шахсий ҳужалиқларининг ҳиссасини кўпайтириш тажрибаси ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Районда ҳар бир ҳужалиқ, корхона, оила озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлаш принциплари қатъиян амал қилинмоқда. Бунда, айниқса оила дарахасидаги истеъмолчилик психологиясини енгиш учун кўп куч-қайрат сарфлашга тўғри келди. Кўпчилик дастурхонда гўшт, сут, сабзавот, мева бўлиши талаб қилади. Ўз шахсий ҳужалиқига уни етиштиришни истамайди. Бундай аҳолининг объектив сабаблари бор, албатта. Масалан, конкрет бир оила молни бўрқонга боқиб турибди. Аммо, бунинг учун ҳовлисида етиштириладиган деярли ташкил қилинди.

Район секретариининг айтишига кўра, кейинги икки йил ичида бу соҳада қурилган тадбирлар яхши самара берди. Ўтган йили 1986 йилга нисбатан шахсий ҳужалиқларда 20 тонна гўшт кўп етиштирилган. Ҳозир районида аҳолига жон бошига йилга 73 килограммдан гўшт етиштирилмоқда, бу медицина тавсия қилган нормага деярли тенгдир.

Шунингдек ўзаро учрашувларда мезбонлар Барисх шаҳар партия комитети бошланғич ташкилотлар фаолиятида ошкоралик ва демократия асосларини ривожлантириш бўйича тўп-ланган тажриба билан, Чилинск район партия ташкилоти миллатлараро муносабатларни таъминлаштириш, интернационал тарбияга амалий тус бериш бўйича амалга ошираётган тадбирларга қизиқиб қўйилди.

Жумладан Чилинск районидида истиқомат қиладиган аҳолининг 57 процентини қушлар, 30 процентини руслар, 12 процентини татарлар ташкил қилар экан. Бухоро областининг Когон, Ромитан, Шофрон районларида ҳам деярли шундай мутаносибликда ўзбеклар, руслар, тожиклар яшашди. Демак, уляновскликлар тўплаган тажрибани бу районларда ҳам ижодий ўзлаштириш мумкин.

Умуман, партия ҳужалиқ активига аҳолида гуруҳлаш бўлиб, ўзаро суҳбатлашган икки област вакиллари юзма-юз, жонли мулоқот узундан-узоқ нутқлардан нақадар афзал эканлигини чуқур қил қилишди. Районлар, ҳужалиқлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, дўстона ҳамкорлик қилишининг адреслари аниқлаб олинди.

Уляновсклик меҳмонлар Ромитан районидаги ғишт ишлаб чиқариш цехининг фаолияти билан танишди истатини билдиришди. Улар бу цехда ишнинг ташкил қилинишини қизиқиб билан ўрганишди. 58 киши ишлабдиган бу цех ўтган йили 6 миллион донадан зиёд ғишт ишлаб чиқарди. Бу йил эса улар 6 миллион 850 минг доналик мармари қўзаламоқда.

Бухоро районидаги «Маданият» колхозига эса меҳмонлар бундан ҳам кичик ғишт заводи ишини ўрганишди. Келгусида Уляновск областининг барча районларида, кўпчилик колхозларда мана шундай кичик заводлар қуриш ва яқин келажакда қурилишда ғишт муаммосини ҳал қилиш қўзаламоқда.

Қардошлар буюк алола Абу Али ибн Сино туғилиб ўсган Афсона қишлоғидаги музей, Бухоро шаҳри қадимий обидларини зўр қизиқиб билан кўздан кечирди. Музей ишини ташкил қилишда ўзаро тажриба алмашиш тўғрисида келишиб олинди. Улар она-шаҳарларига жўнаб кетар эканлар, бухоролик янги дўстларини Ленин шаҳарига таклиф қилишди. Бу таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди.

Бухоро области меҳнаткашлари вакиллари яқин вақт ичида Ленин Ватанида уляновскликлар билан учрашиб, қардошлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ҳозирли қўрмоқдалар.

Яқинда област партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Едгоров бошчилигидаги Бухоро вакиллари Уляновскка «жавоб визити» қилишди. Улар В. И. Ленин мемориал марказини зиёрат қилиб гулчамбарлар қўйишди.

КПСС Уляновск область комитетига област активи билан бўлиб ўтган учрашувда қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашнинг аниқ режалари белгиланди.

Н. НАЙМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БУХОРО — УЛЯНОВСК

Бу икки область

меҳнаткашларининг

вакиллари

ўзаро иқтисодий,

илмий-техникавий

ва маданий алоқаларини

мустаҳкамлаш

шартномасини

туздилар



Бухоро райони ва Уляновск область Карсун райони деҳқонлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда. Сиз кўриб турган бу суратда (чапдан ўнгга) «Бухоро» колхозининг раиси Ҳамро Ражабов ва Чкалов номи колхоз раиси Евгений Николаевич Дронин ҳужалиқлар ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича тузилган шартномага имзо чекишмоқда.

Ҳ. ҚУРБОНОВ ФОТОСИ.

— Биринчи навбатда, — деди у, — биз карсунлик биродарларимизга ишчи кучи, меҳанизатор кадрлар билан ёрдамлашамиз. Биродарлашган иккала колхозга ҳам қишлоқ ҳужалиқ ишларининг айна қизгин палласида 5-7 нафардан юқори малакали меҳанизатор кадрларни юборамиз. Тузилган шартномага кўра, меҳанизаторларимиз у ерда қавлаб олишган картошканинг тенг ярмини ҳужалиқлар давлат нархига бизга сотишди. Ўрмон кешиш мавсумида колхозимиздан 50-70 киши яна дўстларига ёрдамга боришди. Улар қирқдан ҳар минг кубометр ёғочнинг ҳам 200 кубометри ҳужалиқимизга давлат нархига сотишди.

Раис қурилиш ишларидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисида ҳам сўзлаб берди. «Маданият»ликлар қардошларига бўёқ цехи ташкил қилишга, ёрдамлашадиган бўлишди. Мана, бир неча йилдан бундан худди шундай цех «Маданият» колхозига ишлаб турибди. Аммо оҳра ҳам ашёсини топиш қийин бўлди. Карсун районида эса 54 минг тонна оҳра бекор ётган экан. Цех қурилишга жавобан бу оҳра ашёсини ҳам баҳам қўришга аҳд қилинди.

Бундан ташқари «Маданият» колхозига Карсун пайпоқ фабрикасининг филиали қуриладиган бўлди. Маданиятликлар эса Карсун посёлкасида «Бухоро» фирма магазинини қуриб беришди. Унда колхозда етиштирилган мева-сабзавот, теплица маҳсулотини билан савдо қилинади.

Ҳўш, мана шу қардошлик ҳамкорлигини нафақат икки район, балки умуман Уляновск ва Бухоро областлари меҳнаткашлари ўртасида йўлга қўйса бўлмайми? Ахир, Бухоро ва Карсун районидида мавжуд муаммолар сирасини айтганда, ҳар икки областнинг барча районлари учун ҳам хос-ку!

КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумида Уляновск область партия комитетининг биринчи секретари Ю. Г. Самсонов билан учрашган Бухоро обкомининг биринчи секретари Д. С. Едгоров унга мана шу таклиф билан мурожаат қилди. Аини муддао!

Қардошлик ҳамкорлигини икки район доирасидан областлар миёнасига кўтаришга қарор қилинди. Юрий Григорьевич имконият туғилиши билан, яқин кунлар ичида областнинг бутун активини бошлаб, Бухорога келишга ваъда қилди...

Ўтган шанба кунини тунда Бухоро аэропортга учини жадалда кўзда тутилмаган самолёт қўнди. Ундан Уляновск область партия комитетининг буюк аъзолари, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, халқ депутатлари Советлари яқинида ко-

— «АвтоУАЗ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир йиллик даромади 5 миллиард сўмин ташкил қилмоқда, — деди у. — 12 та саноат корхонаси кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқармоқда. Уляновскликлар кўпгина областлар, биродар республикалар ва социалистик мамлакатлар билан қардошлик ҳамкорлиги ўрнатганлар. Тоникистонликлар билан мол-дариқликлар қаторига эндиликда ўзбекистонликлар ҳам қўшилдилар.

У бухоролик меҳнаткашлар ёрдами билан уляновскликлар ҳал қилмоқчи бўлган муаммолар тўғрисида батафсил гапирди. Область меҳнаткашларини 1990 йилгача уй-йўл билан тўла таъминлаш мана шундай ўткир муаммолардан биридир. Бунинг учун қурилиш индустриясини янада ривожлантириш зарур. Бухоро областидидаги кичик ғишт заводларида ишнинг ташкил қилиниши шунинг учун ҳам уларни жуда қизиқтирмоқда.

— Умуман, биз ҳамкорлик қилишимиз мумкин бўлган соҳалар кўп, — деди у. — Ҳал бизнинг ўзимиз ҳам бу соҳадаги имкониятларни тўла даражада билмайми. Шунинг учун мен ортунча мажлисларда қилиб ўтирмадан шу ернинг ўзидеки уляновсклик ва бухоролик партия, совет, касаба союз, комсомол ва ҳужалиқ ходимларини кўпроқ ўзаро мулоқотда бўлиш, Бухоронинг меҳнат коллективлари билан учрашув жараёнида тажриба алмашиш, конкрет таклифларни ишлаб чиқиш тарафдориман.

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР, ТАКЛИФЛАР

Уляновск область партия комитетининг идеология масалалари билан шугullanувчи ходими В. А. Васкакова ва халқ депутатлари Бухоро области Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари М. С. Муҳамедова ўртасида мана шундай мулоқот эътиборини тортди.

Мубина Саъдуллаева област мактабларида машгулотларни рус тилида олиб борадиган физикалар, математиклар, химиклар етишмаслиги, маҳаллий педагогика институтида бундай кадрлар тайёрлашда юзга келмаётган қийинчиликлар тўғрисида сўзлади. Валентина Алексеевна бухоролик ўқитувчиларни Уляновск педагогика институтида тайёрлашни таклиф қилди.

Шунингдек, у област халқ ҳужалиғи учун рақамли программа бошқарувида эга бўлган мурракб дастхоналарда ишлаш учун оператор-

тети томонидан марксча-ленинча таълим системасида 1988—1989 ўқув йили бошланиши олдидан пропагандаистларга ёрдам тарзида тайёрланган аналитик материаллар тўпламини қўлдириб кетди. Ундаги материалларни ўрганиб, Бухоро областидида сисей ва иқтисодий ўқувларни ташкил қилишдаги кўпгина заиф бугинларни илгав олиш қийин эмас.

Уляновск область идеология ташкилотлари қайта қуриш вазифаларини бажаришга қодир янги типдаги пропагандаист кадрларни тайёрлаш бўйича диққатга сазовор ишларни амалга оширмоқдалар. Марксча-ленинча таълимдаги барча пропагандаистларнинг етмиш процентини партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари ташкил қилди. Улар учун пропагандаистлик иккинчи вазифа бўлиб қолган. Областда кадрларни иқтисодий ва профессионал тайёрлашнинг ягона системаси шаклланиб, таълимнинг барча жараёнларини ўқув-методик, моддий-техникавий таъминлаш муаммолари муваффақиятли ҳал этилмоқда. Бу эси, пировардида, меҳнаткашларини қайта қуриш вазифаларини бажаришга сафарбар этишда самарали таъсир кўрсатмоқда.

Шубҳасиз, иккала област идеология ходимлари ўртасида ҳам ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш партия ташкилотларимиз ишида ҳамон мавжуд бўлган нуқсонларни бартараф этишга хизмат қилган бўлурди.

Иккун район партия комитетининг биринчи секретари В. В. Ломанин бизга аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги айрим муваффақиятлар ва муаммолар тўғрисида сўзлаб берди.

— Бундан икки йил муқаддам, — деди у. — Район партия комитети бутун беш йиллик маълумотлардан тадбирлар программасини маълумлади. Асосий диққат-эътибор район ҳужалиқларида деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш билан бирга саноат, қурилиш, транспорт корхоналари ёрдами ҳужалиқлари ишини ташкил қилишга қаратилди.

Районда бу соҳада тўплаган тажриба билан област марказининг раҳбарлари қизиқиб қўйилди. Бу ерда ёрдамчи ҳужалиқлар ташкил қилишдаги кооперациянинг ўзига хос янги шакли яхши самара бераётган экан. Аини маҳаллада темир йўл станцияси «Сюксомский» совхоз билан жунга дастлабки ишлов бериш фабрикаси, «Осенский» совхоз билан ме-

РЕДАКЦИЙДАН:

Бухоро ва Карсун райони меҳнаткашлари ўзаро интернационал ҳамкорлигини қайта қуриш руҳида давом эттириб, қимматли ташаббус билан чиқдилар. Бу ташаббус XIX Бутуниттфок партия конференциясида қўйилган талабларга тўла-тўқис жавоб бермоқда.

Совет кишиларининг ҳар бир авлоди ватанпарварлик ва интернационализм саноғини ўзига хос тарзда олади. Уляновскликлар ва бухороликлар тобора кенг ёйётган ташаббус ҳам мана шу себоқлардан биридир.

Редакция Бухоро — Уляновск қардошлик алоқалари мавзусига яна қайтади. Кўп сонли газетоналаримиздан эса қардошлик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришни янги қирралар тўғрисида таклиф ва мулоҳазаларини кутади.

ТАХРИРСИЗ ХАТЛАР

Ҳафтада бир кўрасиз

Бизнинг Шамши қишлоқ аҳли газетига ёки журналини, хат ёки телеграммани ўз вақтида олмайдилар. Қишлоғимизга хизмат кўрсатувчи ака-ука Муҳаммадиев Сулаймон ва Асрорларни ҳафтада бир мартаба кўрсангиз-кўр-

дингиз, кўрмасангиз ундан нари. Чунки почта тарқатишининг янги «усулини» ўйлаб топишган. Газета ва хатларни қишлоғимиздаги бошланғич синф ўқувчиларига эрта-роқ тарқатишди-ю, уч-тўрт кунлаб, баъзан ҳафтадаб «қора»ларини кўрсатишмайди.

Борди-ю: «Нега вақтида олиб келмайсанлар?» деб сўрасангиз: «Учаскам хат-та, обйигим эса оз, ҳоҳла-

сам икки ҳафтада бир марта келаман», — дейди. Бу «кашфиёт»дан район алоқа бўлимининг бошлиғи В. Давонин ҳам хабардор қилдик. Бироқ ҳеч қанақа чора кўрмайдилар.

А. ФАРМОНОВ,
Ворошилов районидаги Свердлов яомли колхоз.

Бош қотиб қолди

Колхозимизда 1988 йил-

да ҳужалиқ усулида 1500 томошанига мўлжалланган спорт комплекси, 5-ва 9-жазиралар меҳнаткашлари бригадалар меҳнаткашлари учун эса дала шийпоналари қурилиши бошланган эди. Навбахор райони Навой районига қўйилиши муносабати билан 1988 йил тўртинчи кварталда колхозимизга бир сўмлик ҳам қурилиш материаллари берилмади. Натигада бу учала объектда қурилиш ишлари тўхтаб қолди. 30 нафардан ошқ колхоз усталари қурилиш материал йўқлигидан деярли ишс

«Сув омборлари тўғрисида баҳсини яна давом эттирмаслик керак. Уларни мумкин қадар қисқартириш лозим, деб таъкидлашда кўпгина мактуб муаллифлари. Биз нисон кўч-қудрати, ақли-заковати ҳар нарсга қодир деб лоф уриб келдик. Табиатга кўп зуғум ўтказдик, оқибатини эса кўриб турибмиз».

Газетанинг шундай 8 январь сонидан эълон қилинган «Сўх сув омбори керакми?» мақоласида ҳам, бу ҳақда билдирилган фикр-мулоҳазаларда ҳам масала ғоят муҳимлиги қайт этилмоқда.

Фарғоналик ўқитувчи И. Хокималиев ўз мулоҳазаларини шундай қилиб айтилади: «Бизнингча, И. Абдулганиев ва И. Соликовларнинг фикрлари тўғри ва асослидир. Чунки «Ферганаводстрой» трести бошқарувчиси Ф. Фозиллов айтганидек, сув омбори ҳали 65,7 минг тонна пахта, 18,6 минг тонна дон, 10 минг тонна сабзавот, 93,6 минг тонна гўшт дегани эмас. Булар ҳозирча ширин хайл. Агар ҳар бир сув омбори қуришда ана шу даражада ўсиш бўлаверганда ҳозир картошканинг нархи бозорда бир сўм, бир кило олма тўрт сўм бўлмас эди. Минг афсуски, сув омборининг фойдасидан зарари кўпроқ».

Биринчидан, сув юзасининг майдони 17 квадрат километрга тенг экан, ахир, шунча юзанинг ўзидан қанча сув буғланади. Бу — исрофгарчилик, иккинчидан, буғланган сув албатта булут бўлади, бу — табиат қонуни. Булут Фарғона водийсига ёғмай ўтмайди. Шундоқ ҳам авни саратонда ёғир ёғиб, экин-тикиннинг ривожига салбий таъсир этмоқда. Сўх сув омбори битса, саратонга бориб ҳаво ҳароратининг пасайиши, ёғингарчиликнинг кўпайишига олиб келади. Халқда бир гап бор: саратонда ёғир ёққунча, илон ёқса бўлмайди! Сув омбори қурилишига мутахассис ўртоқлар бундан бир асраб қўйсалар ёмон бўлмасди.

Табиат миллион йиллар давомида ҳамма нарсани одиллик билан танқислаган, биз унинг мувозанатини бузар эканмиз, ҳар бир «га-

байнида «Риштон» совхозини «Большевик», «Хураам-обод», «Дутир». Ленин номи бўлиб қолган 100-120 гектардан зиёд мевали босроғлар захлиниш натижасида кесиб ташланди.

Бундай ҳолатни «Олти-арик» районининг Катпур, Риштон районининг Аваз-

кес» ўғитини келтириб Сўх сув омбори қурилишининг иқтисодий, экологик, социал турмушда фойдали бўлиши ҳақида аниқ тўхтамга келинмаганлиги, бунинг учун биргаликда ўйлаш зарурлигини уқтиради. «Тўғрилик йиллари ўтиб кетди, амалга ошириладиган ҳар

қўлаганлар. Жумладан, чиннолик У. Неъматов «Сўх сув омборининг қурилиши охирига етказилиши зарур, У жуда тўғри режалаштирилган» деб ёзади. Бу Фарғона районининг Миндон қишлоғида А. Нурматов фикрига ҳамоҳанглир.

Айрим «газетхонлар кенг жамоатчилик билан баҳаслашадиган иш юритишни маъқуллашди. (А. Мирзажонов, Фарғона) «Сўх сув омбори ўз нароматини 15-20 йилдан сўнг кўрсатади. Қисқаси бу мунозара бейфойда». (Ф. Мустаев, Қува).

Қайта қуриш ва ошқоралик ҳар биримизни ҳалол, рўй-рост бўлишга ундамоқда. Шундай экан, фикрларимиз, қарашларимиз турлича бўлиши мумкин. Лекин у бугунги кунимиз, йўлимиздан чалғитмаслиги аён. Афсуски, айрим йирик иншоотларни қуриш ўз вақтида жамоатчиликдан яшириб келинди. Бу эса бугунги кунда кўпчилигининг эътирозларига сабаб бўлаётди. Чунки ерларга узоқ йиллар ҳалоб бир хил экан — пахта экилаверганлиги, даладларга химиявий моддалар ҳаддан ташқари кўп сочиб ташланганлиги, сув ресурсларидан ўйлама-нетмай фойдаланиб келинганлиги атроф-муҳитни жиддий равишда бузиб юборди, хатарли касалликлар келиб чиқиши ва ёйилишига сабаб бўлди.

Сўх сув омбори керакми? Қўпгина газетхонларимизни шу масала қизиқтирмоқда. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида фан ва маданият арбоблари билан бўлиб ўтган учрашувда таъкидланганидек, «ҳозир Сўх сув омбори қурилиши тўхтатиб қўйиш масаласи кўриб чикилмоқда».


Ҳа, ҳар бир ишнинг кенгаши, маслаҳатлашиб ҳал қилинган маъқул. «Кенгаш қилган ўз тўзимас» дейдилар. Токи эртаси бугунгидан порлоқ бўлсин.

«02» ХАБАР ҚИЛАДИ

РЕСПУБЛИКА ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ МАТБЎТ

ҚИДИРУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

● Республика Ички ишлар министрлиги жиноят қидирув бошқармаси 1963 йилда Урганч шаҳрида туғилган Мақсуд Илхомович Отабевни изламоқда. У ўтган йили 21 ноябрь кун «Жигули» маркали машинада Урганчдан чиқиб кетган ва дом-дараксиз йўқолган. Отабевнинг бўйи 180—185 сантиметр бўлиб, сочлари калта ва қора, мўйлаб қўйган, қошлари қора ва эник, эгнига кулранг костюм, тик ёқали кулранг пальто-плаш кийган эди. Уни қўрган ва учратганлар бўлса 02, 39-74-54 телефон орқали миллиция бўлимларига хабар беришини сўрайми.



ТУНДА УЗИЛГАН УҚ

● Тошкент шаҳридаги Акмал Исмоков район озиқ-овқат савдоси идораси ишчиси Я. Шукров ва 27-магзини сотувчиси К. Эрзабировлар безорилик қилишди. Улар рўйхатга олинмаган ов митингидан пенсионер Х. Улмасов уйи дарвозасига қарата ўқ узди. Тунги зўрқи «овчилар» ушланиб, милиция тортди олинди. Бу билан оғирроқ жиноятнинг пайи қирқилди. Қўқон шаҳрида эса жаҳл устида милицияга эрк берилгани фожиа билан тугади. Шаҳар ички ишлар бўлими кузурдаги идорадан ташқари соқчиллик бўлими қоровули А. Ташев област матбуот жамияти союзи омбор мудири В. Литвинов билан айтишиб қолди. Қоровул митингидан тунда отилган ўқ омбор мудирининг ҳаётдан кўз юмishiга сабаб бўлди. Жиноят ўрганилмоқда.

ЭР-ХОТИННИНГ УРИШИ...

● Сиртаниш турмуш иқриқчиллари оилада ҳар турли жанжал ва қўнғилсиқликларга сабаб бўлиши мумкин. Низо оловини ўчириш учун эр-хотин оқилона иш тутуши керак. Самарқанд област Пастдаргом районидан Кирова номи колхоз элчиси А. Жумаев хотини Р. Рўзиева билан жанжаллашганда бунинг акси бўлди. Эс-хушнинг йиғиб ололмаган ота ёстиқдорига пичоқ уришга бориб етди. Натижада Р. Рўзиева ҳаётдан кўз юмди. Қилғилиқни қилиб қўйган А. Жумаев алам устида ўзини ҳам пичоқлади. Фарғона област Олтиарик районидан Ленин номи колхоз элчиси Х. Темиров ҳам хотинига нисбатан зиндик мушга эрк берди. Катта зарбидан жароҳатланган Ш. Тоштемировани шифхонада кўрсатилган тиббий ёрдам асраб қололмади.

ЭХТИЕТСИЗЛИК

● Ўт билан ўйнашма, деб бежиз айтишмайди. Тошкент шаҳридаги 2512-автомобил ҳайдовчиси Т. Кенжебаев уйда бепарволик қилишди. Тандинга ёқилган ўтдан ёнғин чиқиб, қўшни хонадонларга ҳам ўтди. Андижон област Ленинск шаҳридаги 1-группа инвалид В. Солдатовнинг квартирасида бошланган ёнғин эса уй эгасининг фожияли ўлими билан тугади.

АВТОМАТ ЖАВОБ БERAДИ

● Ички ишлар органлари маҳкатлашлар билан алоқани кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Республика Ички ишлар министрлигида уларнинг саволларига жавоб берадиган автомат қўрилма ўрнатилиб фойдаланишга топширилди. Эндиликда сиз телефон орқали мурожаат этиб, министрлик раҳбарлари қайси масалалар бўйича қачон қабул ўтказишларини билиб олшингиз мумкин. Автомат қўрилманинг телефон номери: 33-66-46. Мамалятимиз ва республикамизнинг иславлан ақли пунктдан унга қўнғироқ қилишингиз мумкин. Аҳолидан телефон орқали тушган ариза ва хабарларнинг магнит лентасига ёзиб оладиган автомат ўрнатилиш ҳам мўлжалланган.

ТУГАТИЛДИ

Давлодлар ўзлон чиққан қўндаш бўлаб бир ой мобайнида қўндашларга адрасда қўриб чиқилди: 700041. Тошкент шаҳри, Мўминов кўчаси, 1-уй.

Г. БОЛТАБОВ, МИЛЛИЯ КАПИТАНИ.

Редактор У. УСМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар составиданги вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудири: инглиз тили фонетикаси ва фонологияси (филология фанлари доктори, профессор), француз тили фонетикаси (филология фанлари кандидати, доцент), кечки факультетга инглиз тили (филология фанлари доктори ёки кандидати); доцентлар: умумий тилшунослик (филология фанлари кандидати), иқтисодий тилшунослик бўйича чет тиллар (филология фанлари кандидати, доцент), педагогика (педагогика фанлари кандидати, доцент); катта ўқитувчилар: психология, немис тили лексикаси ва стилистикаси, кечки ва сиртки факультетга француз тили, кечки факультетга инглиз тили бўйича; ўқитувчилар: жисмоний тарбия, иккинчи ихтисослик бўйича чет тиллар (2); инглиз тили стилистикаси, инглиз тили лексикаси, француз ва немис тиллари факультетларига рус тили ва адабиёти (5), немис тили фонетикаси, немис тили лексикаси ва стилистикаси (2).

Конкурс мuddати — 10 мартгача.

Адрес: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уй. Кадрлар бўлими.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ПРЕЗИДИУМИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Физика — ҚўЕШ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРСДА ҚАТНАШИШГА ЁШИ 60 ДАН ОШМАГАН, ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИГА ЭГА БЎЛГАН КИШИЛАР ҚЎНИЛАДИ.

Конкурсда қатнашиш учун қўндаш хужжатлар зарур: кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, 4 донга фотосурат, таржима ҳол, олий ўқув юртини тамомлаганлиги, илмий даража берилганлиги ҳақидаги дипломлардан нусхалар, меҳнат коллективни ёки бошқа бирор бир орган, ташкилот томонидан номзоднинг кўрсатилганлиги тўғрисидаги протокол.

Номзод кўрсатиш ҳуқуқи ЎзССР Фанлар академиясининг Президиуми ва бўлимларига, илмий муассасаларининг илмий советларига, коллективларига, олий ўқув юртлари, илмий советлар, жамиятлар ва ассоциацияларга берилади.

Хужжатларни топшириш мuddати — 9 мартгача.

Хужжатлар қўндаш адрасга жўнатилсин: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Гоголь кўчаси, 70-уй. ЎзССР Фанлар академияси Президиуми, физика-математика бўлими: Телефон: 33-32-73.

СССР ДАВЛАТ АГРОСНОАТ КОМИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

тупроқшунослик, агрохимия, ўсимликларни зараркунадалардан ва касалликлардан ҳимоя қилиш, иқтисод, қишлоқ хўжалиги экономикаси, уни планлаштириш ва бош қарини ташкил этиш (4)

ИХТИСОСЛАШҚАН БЎЙИЧА 1989 ЙИЛ УЧУН КЎНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

АСПИРАНТУРАГА ҚИРЎЧЛАР МАРКЗИЗМ-ЛЕНИНИЗМ НАЗАРИЯСИ ВА ЧЕТ ТИЛЛАРДАН БИРИ (олий ўқув юрти программаси ҳажмида) БЎЙИЧА ҚИРЎШ ИМТИҲОНЛАРИ ТОПШИРАДИЛАР.

Ректор номига аспирантурага қабул қилиш учун ёзилган аризага қўндаш хужжатлар қўшиб топширилади. Кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, фотосурат, иш жойидан характеристика, олий ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломдан нусха (завет ведомостидан кўчирма билан), эълон қилган ишлари рўзғати ёки танлаган ихтисослиги бўйича реферат, меҳнат дафтарчасининг иш жойидан тасдиқланган нусхаси.

ХУЖЖАТЛАР 25 МАРТА ҚАДАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қириш имтиҳонлари 1 апрелдан бошланади.

Хужжатлар қўндаш адрасга жўнатилсин: 700183, Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими, аспирантура бўлими.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ «ЛУВПРОМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ИЖАРА ШАРТЛАРИ АСОСИДА

Халқ истеъмол моллари ва бошқа маҳсулотлар қириш учун Тошкент област Ўзбекистон республикаси раёонидан тугатилган Тошкент луб заводи биноси, ишпоотлар, корхона териториясини

ВАҚТИНЧА ФОНДАЛАНИШГА ТАҚДИМ ЭТИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА.

Справалар учун қўндаш адрасга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Крупская кўчаси, 8-уй. Телефонлар: 55-87-88, 55-69-63.

«УЗПТИЦЕСТРОЙМОН-ТАЖ» республика қурилиш-монтаж трести

МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ

мазкур трестга қарашли 14-КҲЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННА ВА ТОШКЕНТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КҲЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАСИ

Давлодлар ўзлон чиққан қўндаш бўлаб бир ой мобайнида қўндашларга адрасда қўриб чиқилди: 700041. Тошкент шаҳри, Мўминов кўчаси, 1-уй.

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

Тошкент политехника институтининг «Металл қириш» кафедрасининг кенаси

ТЎҒРИ ЙЎЛ ҚОЛИБ...

Харидорғир картошка, сабзавот ва мева маҳсулотлари меҳнаткашларга нега тўлиқ этиб бормайди?

Тошкент шаҳрининг Янги-обод масивидан 3-мева-сабзавот комбинати дарвозасидан чиққан «15—47 ТНП» рақамли юк машинаси шиддат билан йўлгарилаб кетди. Картошка ортиб негетган машинанинг мановили билан қизиқдик. Комбинат тарафидан ва навабатидаги хужжатлар маҳсулот шаҳар темирйўл техникумида сотилиши кераклигиндан далолат беради. Савдон уюштириши керак бўлган Ленин район улгурчи-какана савдо идорасига қарашли 6-магзинидаги қимматлиқлардаги топшириққа қандай ёндашишаркин? Шаҳар ички ишлар бошқармаси БХСС бўлими ходимлари Илхомов, Алексей Лим билан техникумга бордик. Картош, надан ҳам, машинадан ҳам дарак йўқ эди.

Хўш, манзилдан адашган машина қаерда бўлиши мумкин? Янгилимаган эканмиз. Магзинида этиб келганмизда оморхона олдига қўйилган машинадаги картошкани қоплаш қизгин борарди. 39 қоп картошкани оморхонага ташиб улгуринишди.

Маҳсулотни «эгаларни» га элтайди бу ерда нима қилиш ушлаб турибсизлар? — Қопласан машинага жойлаш осон бўлади, пиёза ҳам ортмоқчилик, деди магзини мудири Лилия Бахитова.


• Сўраган эдингиз

Хурдатли редакция! «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1988 йил 20 декабрь сонидан эълон қилинган «Йилон йилдан иккиларини куттиш мумкин» мақоласини ўқиб, жуда қизиқиб қолдик. Илтимос, мўчал ҳақида маълумот беришсангиз.

Н. Тошмуродов, Ф. Инатиллаев, М. Токиев ва бошқалар.

Мўчал ҳисоби — 12 та ҳайвонини номи билан аталган (12 йиллик) даврий йил ҳисоби. Бу ҳайвонлар сиқон, сиғир, йўлбарс, қўн, балик, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, тўғиз, кўш шайхонлар номи билан аталган 12 йилнинг қайси бирини тўғилган бўлса, унинг мўчали шу ҳайвон номи билан аталган.

Мўчал ҳисобида 12 йиллик давр бир айланма келса, одам бир мўчалга тўғилган бўлади. Лекин қишқарлиқнинг аниқлигида уларнинг она қорнидаги вақти ҳам бир йилга тенг деб ҳисобга олинмади, аниқ киши бир мўчалга тў-



Олой бозориданги 1-хўжалик ҳисобиданги ихтисослашган мактаб-магазини кенг меҳнаткашларга хизмат қилишга мўлжалланган. Бу ерда турли хил маҳсулотлар сароб бўлса бозордаги нархнаво арзонлашувига ёрдам беради, албатта. Шу босдан у бирорта ҳам ташкилотга бирикитилган эмас. Лекин бу магзин ҳам турли меҳнат коллективларига савдо хизмати кўрсатиш учун жалб этиляпти.

Бугун 6 тонна картошка олган эдик. Харидорларнинг талабига кўра 5—10 килограммлаб сотдик. Бир тоннадан ортиқроқ апельсини шаҳар прокуратурасига олиб бориб савдо қилдик, — дейди магзини секция мудири Хокимқабар Каримов.

Таважжуб. Биз бўлган сабзавот магзинларининг аксариятида бир хил рағби ешитиш мумкин эди. Улар завод ва фабрикаларга эмас, аксарият партия, совет ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот органларига бориб савдо қилган бўлиб чиқарди. Шу фикрининг изидан боришга қарор қилдик.

Эртага Қиров район партия комитети ва район ижроия комитетига апельсин олиб бориб сотамиз. Шундай топшириқ олганмиз, — дейишди магзинида.

Улар ростиин айтишган экан. Эртаси кунни соат 14.30 да райкомга этиб бордик. Сотувчи Рашид Раҳматуллин номига расмийлаштирилган 1326 килограмм апельсини район партия комитети ҳовлисида сотилаётган эди. Албатта, бу ерга маҳсулот олиб бориб сотиш ҳақида фармон берган ки-

С. МУХИДИНОВ, «Совет Ўзбекистони» муҳбири.

Суратларда: 1. 25-магзинида савдо қилинмаётган маҳсулот турлари ноҳиёда кам. 2. Завод ишчилари ҳисобидан олиб қолган апельсинлар. 3. Картошкани зудлик билан эгаларига олиб бориб сотиш ўрнига 6-магзини оморбояга ташиб қўйилмоқда. 4. Чакка остида қолган сабзавот.

В. Молгачев фотолари.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОН» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартия Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:

700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БҲИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, сановат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, ишпоот, хўжалик — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 32-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 32-30-36, 32-54-35, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳай — 32-54-14, ахборот ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.